

XVI сароси
Хаср
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар
Мамлакатимизда

- Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий-амалий вазирларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида Бош Қомусимиз — Конституция қабул қилинган куннинг туққиз йиллигини кенг нишонлаш, истиқлол йилларида анъанави айланган «Президент арчаси» байрамини ўтказиш, Ватан ҳимоячилари кўни ҳамда муборак Рамазон ҳайитига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.
- **Кеча** Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йиғилишида «Оила кодекси»нинг ота-она қарамағдан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари тааллуқли қондаларнинг Фарғона вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция ташқи ишлар вазирлигининг Франкофония ва ҳамкорлик масалалари бўйича вазир Шарль Жоселен раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимиз ташқи ишлар вазир Абдулазиз Қомиллов билан учрашди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ҳам бўлди.
- Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишнинг долзарб вазифаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- **Бугун** пойтахтимизда Оналар ва болалар йили доирасида халқаро «Экосан» жамғармаси ва республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган республика «Еш оналар» танловининг якуновчи босқичи бўлиб ўтди.
- Андижонда республика кардиологларининг илмий-амалий конференцияси ўтказилди.
- Бухорода «Замонавий дунё — болалар нигоҳида» деб номланган курик-танлов ўтказилди.
- Навоий вилояти «Бизнесфонд» бошқармаси ҳузурда ахборот-консалтинг маркази иш бошланди.
- Олот тумани марказида қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 750 ўринли касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

- Сиднейдаги «Мастерскап» турнири доирасида Халқаро гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди ва унда Бошқарув палатаси бир овоздан «Президент кубоги-2001» мусобақасини «Энг яхши ташкилотчилик ва меҳмондорчилик учун» мукофоти билан тақдирлашга қарор қилди. Кайд этмоқ ҳозир, «Президент кубоги» кетма-кет учинчи бор бундай нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Ушбу воқеа муносабати билан АТП Тур Президенти Марк Майлс ҳамда ИТП Президенти ва «Президент кубоги» асосчиси Сассон Какшурри Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга мактуб йўллади.
- Лондонда йиллик «World Travel Market» Жаҳон туристик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари иштирок этди.
- **Бугун** Москвада Россия Федерацияси Президентини В. Путин билан Россияга ташриф билан келган НАТО Бош қотиби Ж. Робертсон ўртасида Россия ва Шимолий Атлантика иттифоқи ўзаро муносабатлари муаммоларига бағишланган музокаралар бўлиб ўтди.
- «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича **кеча** АҚШ харбий ҳаво кучлари Афғонистоннинг Кундуз, Қандаҳор ва Пакти шаҳарларидаги толиблар истеҳкомларини яна бомбардирмон қилган. Хабарда айтилишича, бу галги харбий амалиётлар олдингиларига нисбатан кенг қўламда ўтказилган. Маълум бўлишича, шундан сўнг Кундузда қуршовда қолган толиблар мазкур шаҳарни ҳам ташлаб чиқишга розилик берган.
- Кўни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистондаги барча сиёсий гуруҳларни 26 ноябрда Берлинда бўладиган учрашувга тақлиф қилган эди. Бироқ, **кеча** ги хабарларга қараганда, учрашув жойи Берлиндан Бонн шаҳрига кўчирилган. БМТ шафёлигида ўтадиган мазкур учрашувда Афғонистонда муваққат ҳукумат тузиш масаласи айтилмоқда. Қузатувчилар бўлажак тадбирга аввалдан юқори баҳо бермоқда.
- Мухаммад Зоҳиршоҳ 26 ноябрь кўни Боннда БМТ шафёлигида Афғонистонда муваққат ҳукумат ташкил этиш масаласида халқаро анжуман ўтказиш гоясини қўлаб-қуватлади.
- «Вашингтон пост» газетасининг хабарига кўра, «қора сешанба» воқеасидан сўнг ўтган қарийб 2,5 ой ичида террорчилар раҳнамоси Усома бин Лудин билан алоқадор бўлган 360 нафар киши дунёнинг 50 га яқин мамлакатида ҳибсга олинган.

Пухта тарадду

Илгари хабар қилинганидек, 25 ноябрь кўни ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига пойтахтимиздаги айрим сайлов округларида сайловлар бўлиб ўтади.

— Ушбу сайловларнинг етарли даражада ўтишини таъминлаш мақсадида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди, — дейди 15-Феруза округ сайлов комиссиясининг раиси Учқун Акбархўжаев. — Бизнинг округимизга қарашли бўлган ҳамма 8 та сайлов участкаси овоз бериш учун зарур бўлган барча ускуналар билан жиҳозланган. Округ, участка сайлов комиссиялари аъзолари томонидан кенг қўламдаги ишлар бажарилди. Жумладан, депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг уч марта учрашуви ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, сайловларга тайёргарлик чоғида «Ўзбекистон», Феруза, «Туркистон» ва бошқа маҳаллаларнинг қўмиталари сидқидилдан ёрдам кўрсатишди.

Бир сўз билан айтганда, сайловчилар яқшанба кўни ўтказиладиган сайловларда фаоллик кўрсатишади ва ўзлари танлаган номзодга овоз беришади.

(Ўз мухбиримиз)



СУРАТДА: комиссия аъзоси С. Иванова, округ сайлов комиссияси раиси У. Акбархўжаев ва 134-сайлов участкаси раиси Ж. Жуманиёзов сўнгги тайёргарлик хусусида суҳбатлашмоқда. Сергей Любич олган сурат.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Давра суҳбати

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Яққасарой туманида жойлашган Тошкент тижорат техникумида ўтказилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзусидаги давра суҳбати эркин, ижодий руҳда, талабаларнинг имконияти ва салоҳиятларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтди.

Бу гал олимлар, мутахассислар эмас, балки миллий истиқлол гоясини ёшларимиз онгига ва қалбига синдириш, диний экстремизм ва терроризмнинг жамият ҳаётига захарли таъсири, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — жамият тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори мавзулари бўйича илгор талабаларнинг ўзлари маърузалар қилишиб, тенгдошларини баҳса қорлашди. Бунини уларнинг кўйидаги фикрларидан ҳам яққол сезиш мумкин.

● **Сурож Йўлдошев:**
— Мустақилликдан сўнг республикамизнинг сиёсий ривожланиши, демократик ислохотларнинг чуқурлашиши Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди. Бош Қомусимизда барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонун сифатида ундан келиб чиққан ҳолда бошқа қонунлар қабул қилинади. Хар ким билим олиш, мулкдор бўлиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эга эканлиги, хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги берилганлиги эса биз ёшларнинг мамлакатимиз учун фойдали инсонлар бўлиб этишимиз, ўз устимизда ишлашимиз учун кенг имкониятлар туддиради.

● **Нигора МУРОДОВА:**
— Миллий гоя халқ тафаккури, маънавиятининг меваси бўлиб, уни згуликка, ёруғликка етаклайди. Зеро, дунёда ривожланиш, тараққиёт бор экан янги гоялар, фикрлар туғилади, згулик билан ёмонлик ёнма-ён боради. Шу сабабдан ҳам биз доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз, мустақиллигимизни асрашга, уни мустаҳкамлашга чуқур масъулият билан қарашимиз керак...


Давра суҳбатида туман ҳокимининг ўринбосари Р. Иноғомов Асосий Қонунимизни пухта ўрганиш билан ўз тинчлигимиз, жамиятимиз равнақи қаролатини таъминлай олишимиз мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

«Яққасарой» жомеъ масжидининг имом хатиби, Тошкент Ислам университетининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Зокир қори Шарипов, «Яққасарой» маҳалласи оқсоқолининг маслаҳатчиси Ориф ҳожи Алимахсумов ёшларни иймон-этиқодга, отанани ҳурмат қилиш, замонавий билимларни эгаллашга даъват қилиб, муборак рамазон кўнларида юртимизга тинчлик, осийшталлик, фойз-барак тиладилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК»

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислам Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини кўп минг нусхада чоп этди.



Мажмуадан мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрь кўни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда вужудга келган вазият муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган баёноти ҳамда халқимизда катта қизиқиш уйғотган ушбу муҳим ҳужжат муҳокамалари доирасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбати баён ўрин олган. Бундан ташқари, китобда Юртбошимизнинг жафокаш афғон заминида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласи бўйича илгари турли анжуман ва йиғилишларда, нутқ ва чиқишларида баён этган фикрлари, олға сурган тақлиф ва ташаббуслари ҳам зълон қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўз асарларида халқаро терроризм деган муҳим хавф-хатар остонамиз олдига турган бир пайтда тинчлик бўлсин, деган тилаклар билан чекланиш кифоя эмаслиги, бундай згу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши зарурлигига эътиборни қаратади. «Тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётин заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган хар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак, — дея таъкидлайди Юртбошимиз. — ...Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».

Президент Ислам Каримов турли давлатлар, турли сиёсий қўларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлаш борасидаги ўта долзарб масалалар хусусида тўхталар экан, пировардида шундай дейди:

«Ишончим комилки, иймони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва катъиятини намоён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади».

(ЎЗА).

ЎЗ БОРҚИ, ОЛАМ МУНАВВАР

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Оилалар тотувлигига камарбаста

Тамара опа тунни билан ухлалмай, безовта бўлиб юриб чиқди. Ҳа, яна маҳалласидаги бир оилада ўзаро келишмовчилик, ёш оила кўйди-чикдига бориб ўтирибди. Бу биринчиси эмас, бир неча марта бориб уларни тинчлантириб, муроасага келтирганди. Яна нима бўлди экан?..



Қайнона-келин ёки эр ва хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар орасига тушавериш, уларнинг ташвишида Тамара опанинг ҳам тинчи бузилади, ҳаловати йўқолади. Ўша оилани муроасага келтирмагунча кўнгли тинчмайди.

Чилонзор туманидаги Шотурсун Фуломов номли маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Тамара Расулова 1980 йилдан буён ушбу маҳалла хотин-қизларига бошчилик қилиб, уларнинг хурсандчилигига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлиб келаётган моҳир педагог, қобилиятли ташкилотчилардан. Тамара опа маҳаллада туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда долзарб мавзуларга бағишланган кенгаш, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказиб, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Жумладан, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида «Қизлар сепи билан эмас, одоби билан гўзал», «Аёл ва маънавият», «Аёлчи ўқувчи — ибратли қиз» каби давра суҳбатлари, оналар ва болалар йилгига бағишлаб қизларимизнинг шарқона одоб-ахлоқи, қадриятларимизни улуғлаш мақсадида «Қиз ва она», «Қайнона ва келин», «Аёл ва унинг оиладаги вазифаси», «Соғлом она — соғлом муҳит» каби мавзуларда ҳам ибрат-

ли тадбир ва қизиқарли суҳбатлар Тамара опа бошчилигида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари маҳалладаги ёшларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш ҳам опанинг асосий вазифаларидандир.

Тамара Расулова маҳалладаги 114-ўрта мактабда 35 йил болаларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берган фидойи ўқитувчилардан. Шунинг учун аввало ёшлар тарбияси, уларнинг билим ва касб-хунар эгаллашларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда.

— Маҳаллам тинч — мен тинч, — дейди Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Тамара Расулова. — Мақсадим оилалар тинч-тотувлиги, аёллар бахт-саодати, ёшларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишлари. Оилалар тинчилиги, фаровонлиги йўлида, ёниб яшаш мен учун катта бахт.

Бу йил Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида Тамара опа ҳам «Шухрат» медали билан тақдирланди. Маҳалладошлари дардида ёниб яшаётган, оилалар тотувлигига камарбаста бўлиб келаётган Тамара опадек гамхўр, фидойи инсонлардан ибрат олса арзийди.

Гулнора ШОКИРОВА

ли тадбир ва қизиқарли суҳбатлар Тамара опа бошчилигида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари маҳалладаги ёшларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш ҳам опанинг асосий вазифаларидандир.

Тамара Расулова маҳалладаги 114-ўрта мактабда 35 йил болаларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берган фидойи ўқитувчилардан. Шунинг учун аввало ёшлар тарбияси, уларнинг билим ва касб-хунар эгаллашларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда.

— Маҳаллам тинч — мен тинч, — дейди Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Тамара Расулова. — Мақсадим оилалар тинч-тотувлиги, аёллар бахт-саодати, ёшларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишлари. Оилалар тинчилиги, фаровонлиги йўлида, ёниб яшаш мен учун катта бахт.

Бу йил Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида Тамара опа ҳам «Шухрат» медали билан тақдирланди. Маҳалладошлари дардида ёниб яшаётган, оилалар тотувлигига камарбаста бўлиб келаётган Тамара опадек гамхўр, фидойи инсонлардан ибрат олса арзийди.

Гулнора ШОКИРОВА

КАСБНОМА

2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

Маълумки, жамиятимизда йилдан йилга оналар ва болаларга давлатимиз томонидан беқиёс гамхўрлик ва эътибор кучайиб бормоқда. Айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза-лаш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Акмал Икромов туманидаги «Она ва бола» худудлараро даволаш реабилитацион маркази директорининг ўринбосари, олий тоифали шифокор Муқаддас Сафоева қуйидагиларни гапириб берди.



Беқиёс гамхўрлик

— Кейинги йилларда Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг кўнглини муаммоларини ҳал қилиш ўз аксини топди. Бу ҳукумат қарорлари ва фармойишлари республикамизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш, Оила, Аёллар йили ва Оналар ва болалар йили бўйича имзоланган Давлат дастурларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, кенг тарқалган касалликларнинг, ногирон болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган. Шунингдек, болаларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан соғлом, баркамол бўлиб ўсишига эришиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

ка нуқсонлар ҳам йилдан йилга яхшиланиб бормоқда.

Бу йил «Она ва бола» марказида «Она ва бола» Давлат дастурига асосланиб она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишига эътиборни қучайтириш, уларни замонавий услублар ёрдамида тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларда энтрагенитал касалликларни самарали даволаш, саломатлигини яхшилаш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва парвариш қилиш, болалар ўлимини камайтириш, янги технологияларни татбиқ этиш йўлида катта вазифалар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда юқорида кўрсатилган Давлат дастурлари, уларнинг бажарилиши юзасидан амалга оширилган кенг миқёсдаги чоратadbирлар натижасида мамлакатимизда демография вазиати, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ташкилий жиҳатлари, оналар ва болаларнинг ўлим кўрсаткичлари камайиб, бош-

ка нуқсонлар ҳам йилдан йилга яхшиланиб бормоқда.

Бу йил «Она ва бола» марказида «Она ва бола» Давлат дастурига асосланиб она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишига эътиборни қучайтириш, уларни замонавий услублар ёрдамида тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларда энтрагенитал касалликларни самарали даволаш, саломатлигини яхшилаш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва парвариш қилиш, болалар ўлимини камайтириш, янги технологияларни татбиқ этиш йўлида катта вазифалар амалга оширилмоқда.

Гулором ҲАМИДОВА ёзиб олди.
СУРАТДА: олий тоифали шифокор Муқаддас Сафоева бемор ахволи билан танишмоқда.
Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

МАСЛАҲАТЛАР

Чақалоқ йиғлаганда...

Кўкрак ёшидаги барча чақалоқлар кўп йиғлайди. Агар охириги овқатланганингиздан кейин 2,5 соат ўтган бўлса, демак чақалоқ йиғисига билан ўзининг очикқанлигини айтмоқчи. Қайта йўрақлаб овқатлангирсангиз, у тинчланиб ухлайди. Овқатлангиршлар орасида албатта қайнаган сув ичиришни унутманг. Ниҳоят чақалоқ қорни огриганда ҳам йиғлайди, бундай ҳолда улар чи-

нқириб йиғлайдилар. Бунда бола қорнига иссиқ йўрақ ёки жун шарф қўйсангиз, қорни бироз исиб тинчланади. Чақалоқни қўлингизга олиб, қорни билан ўзингизга яқинлаштириб бағрингизга олинг. Лекин чақалоқни кўп қўлга олишга ўргатманг. Чақалоқ йиғисига хотиржамлик билан эътибор беринг. Бироқ болангиз қаттиқ овозда чинқириб йиғласа, бу ўткир огрик белгиси бўлади. Бундай ҳолда

шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ҳоҳида она сути ҳам болага ёқмаслиги мумкин. Мабодо сиз кўп миқдорда саримсоқ пиёз, ерқалампир, ўткир қўқатлар (гармдори, мурч) тановул қилсангиз, шу ҳолат юзага келиши мумкин. Оналар кўп миқдорда қарам, шолғом, узум, турп ейишмагани маъқул. Чунки булар боланинг қорни дам бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти, қадр-қиммати бор. Уларнинг орасида энг қадрли, шарафлиси бу мураббийлик, ўқитувчилик касбидир. Ана шу касбни улуғлаб, ёшларга 30 йил сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган жонқуяр ва заҳматқаш ўқитувчилардан бири Машрабхон Жувонмардиевадир.

Ешлигидан ўқитувчилик касбини орзу қилган Машрабхон Андижон давлат педагогика институтининг тарих ва филология факультетида билим олди. Институтни тамомлагач, Тошкентга келиб Мирзо Улуғбек туманидаги 99-ўрта мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бера бошлади. Шунинг айтиш керакки, Машрабхон ўз умрини ўқувчиларга сабоқ беришга, шу йўлда бор билими, куч-гайратини бағишлади. Унинг дарс ўтиш жараёнини кузатган ўқитувчилар доимо юксак баҳо бериб келишган. Машрабхоннинг ўз касбига бўлган муҳаббати, болаларга нисбатан чексиз меҳри яққол сезилиб туради.

Бу зебо замонда яшаган яхши

«Дарахт бир жойда кўкаради» деганларидек, Машрабхон Жувонмардиева фақат 99-мактабда билим ва тажрибасини ўқувчиларга таълим-тарбия беришга бағишлади.

— Кўп йиллик иш фаолиятимда шунга амин бўлдимки, ўқитувчи ўқувчи учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт ойнаси экан, — дейди Машрабхон Жувонмардиева. — Ўқитувчи — бола қалбидида қулфни очувчи билимдонлик қалитидир. Мен ҳозир шу нарсадан фахрланаманки, ўқувчиларимнинг кўпчилиги эндиликда ўқитувчилик касбини шарафлаб, турли мактабларда ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. Ўз касбини севган кишига меҳнат ва машаққатлар писанд эмас экан. Нафақага чиққач ҳам кўп йиллар қадрдон мактаб, азиз ўқувчиларим бағридан кетиш қийин бўлди. Ўқувчиларимнинг табриқлари,

учрашувлар, мактублар менинг умримга умр қўшгандай бўлади. Уларни кўрганда кўзларидаги чакноқ меҳр, улар эришган муваффақиятлар меҳнатларим меваси эканлигидан беҳад шодланаман.

Ҳа, бир мактабда 30 йил бутун умрини, қалб кўрини болаларга баҳшида қилган «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Машрабхон Жувонмардиева нафақат мактаб кучоғида, балки 9 йил Мирзо Улуғбек туманидаги «Дархон» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясига раислик қилиб, маҳаллада ҳам тиниб-тинчимас, жонқуярлиги билан самарали ишлар олиб борган фидойи инсондир. Айни кунларда нафақада бўлса ҳам Машрабхон опанинг илҳом булоғи қайнаган. Яқинда унинг «Тиниқ туйғулар» номли шеърий тўплами чоп қилинди. Меҳнат ва ижод билан шуғулланиб келаётган Маш-



рабхон Жувонмардиеванинг шеърлари, жумладан унинг қуйидаги сатрлари инсонларни фақат эзгулик, яхшиликларга чорлайди.

Бу зебо замонда яшаган яхши,
Ҳалолдан ош топиб ошаган яхши.
Қартайдим демасдан бир ниҳол эғиб,
Умрни қайтадан бошлаган яхши.
Дилором ИКРОМОВА

ЕТТИНЧИ ГУЛШАН

Жаҳон гулзори ичра Бағдоддек обод ва маъмур шаҳар камдан-кам топилиб. Шаҳарнинг ярми бугу ярми доддур, ўртасидан Дажла номли дарё оқаду. Бу шаҳар шундай шаҳарки дарёси кон, фэйзга макондур. Унинг барча халқи соҳиб каромат ва соҳиб саховатдир. Бу шаҳарда бир молдор бой бор эди, унинг касби ҳаммаша савдою тижорат эди. Унинг мол-дунёси жаҳоннинг барча вилоятларига тарқалган эди. Унинг мол-мулкани мунажжим юз йил ҳисобласа ҳам охирига етолмайди. Унинг хизматида бир неча минг қулар камарбаста эдилар. Холбуки, уларнинг ҳар бири мансаб эгалари эдилар.

Унинг бир комил, оқил фарзанди бор эди, унга Масыуд деб ном қўйган эди. Бу бола нихоятда тўғри сўз, инсофли, адолатли ва бағри кенг эди. Чунончи, дунё ишларини назарга илмас, зару зеварни тариф донасица қадрламас, жаҳонни эса чумчуқ уясичалик билмас эди. Бир кун отаси уни ўз хузурига чақириб, эй жону дилим пайванди, мен сен билан доим шоду хуррамдурман! Эрта тонгда бозорга бориб сайр қилгил ва тижорат ахли билан савдо қил! Бошингдан кибру ҳавони ҳайдаб, савдо-сотикни ўзингга ҳунар қилиб ол! Тижорат пайғамбардан суннат эрур, агар уммат бўлсанг бу ишни касб қил! — деди. Эртаси Масыуд минг ашрафийни олиб бозорга бориб, бирор матога харидор бўлай деб, кўп юрди. У бозор расталарини, каллапазлару ҳолвапазларни тамоша қилди. Бозорни бошдан оёғигача айланиб кўрса-да, аммо ҳеч нарса унга маъқул келмади. Масыуд атрофга назар соларкан, бир чеккада бир қарияга кўзи тушди. Қариянинг қадди фалакнинг гам-андуҳларидан букилган, у эртдан кечгача нидо қилар, бироқ ҳеч ким унинг сўзига қулоқ солмасди. Қария нидо қилиб дерди: агар кимки минг ашрафий берса, мен унга бир насиҳатни сотурман. Бу оддий насиҳатлардан эмас, бу дурри бебаходур, ҳатто ажалга ҳам даводур. Кимки бу насиҳатни сотиб олса, беадад фойда кўраду.

Масыуд қария олдида бориб, насиҳатингни изҳор қил! — деди. Қария деди: нархини нақд санаб бер, мен киссамга жойлаб олай, сўнгра бу бебаҳо нуқтани фойда айлайин, зеро гавҳар денгиз остидан чиқканидек, бу ҳам кўнгул қаъридан чиқади. Масыуд унга минг ашрафийни санаб берди. Эй саховатли йигит — деб сўз бошлади қария, агар тижорат билан сафарга чиқсанг, йўлинг тоғ ичра тушса-ю ўша ерда тунашни ихтиёр этсанг, албатта тоғ ёнбағридан юқорига чиқиб ёт!

Масыуд қария билан савдолари бўлган, отаси хузурига борди. Отаси ўғлидан сўради, эй жонимга маҳбуб, сенга матоларнинг қайси бири мақбул бўлди? Бисотингни очиб, харид қилган матонингни кўрсат, уларнинг қайси бири қиммату қайси бири арзон эканигини баён қил! — деди. Масыуд отасига деди: эй вужудим боиси — отам, барча матоларга ҳарқан назар солиб кўрсам ҳам, бироқ кўнгулга писанд бўларлик матони учратолмадим. Бозор кезиб юриб бир қарияга кўзим тушди. У ҳар ёнга боқиб нидо қиларди: хар ким мен билан савдо қилса, унга дину дунё муяссар бўлур, бирор ҳимматли киши топилса минг ашрафийга бир насиҳат берай, деб овоз қиларди. Аммо, ҳеч ким унга қулоқ солмас ва эътибор бермасди. Мен дарҳол унинг олдида бориб минг ашрафийни санаб бериб, насиҳатини сотиб олдим. Насиҳати шундан иборатки, тижорат ахлидан бирор кимса сафарга чиқиб, баҳор айёмиде тоғ ичра юрса, ўша ерда дам олмоқ учун юқини туширса, баланд ерга чиқиб кўрсин маконни! Отаси деди, эй кўзимнинг нури, ҳаётим гулшани сендан зийнат олган. Давлатим самандини (ой) хар томонга елдириб, молу мулкимни сарф қилиб, шунга ўхшаш фойдалар бирор нарса учраса, гарчи унинг бозори касод бўлган бўлса-да, унга жон дилинг билан харидор бўл!

Отаси Масыудга яна минг ашрафий бериб, бундан кейинги савдоси нечук бўларкин деб кўз тикади. Масыуд иккинчи кун бозорга бориб, яна ўша қарияни учратди. Қария аввалгидек жон куйдириб дерди: агар талабгор чикса бир насиҳат сотурман, бу насиҳатни олган киши у дунё-ю бу дунё хурсанд бўлур. Масыуд шитоб билан юриб, қариянинг олдида бориб, насиҳатингни сотиб олурга менман харидор деди. Қария Масыудга боқиб, эй саховатли йигит, қулоқ солиб эшит, мендан сенга насиҳат шулки, агар хар кимни неъматини еғудай бўлсанг, унинг ҳурматини доим бажо келтир, ўла-ўлгунча туз ҳақини сақлагил ва унга нисбатан хиёнат риштасини уз! — деди. Масыуд бу насиҳатни ҳам қабул қилиб уйига қайтди.

Масыуд учинчи кун яна бозорга бориб, расталарни айланиб тамошо қилиб юриб яна ўша хаста қарияни учратди. У аввалги кунлардагидек оху фигон билан хайқирарди. Одамлар эса унга парво қилмасдилар. У дерди сотарман бир панд (насиҳат), буни олган киши бўлғай саломат. Одамлар унга боқмас, баъзилар эса, бу панднинг бизга кераги йўқ, деб ўтиб кетардилар.

Масыуд қария олдида бориб деди, эй қария пулини олгину насиҳатингни менга бер! Менга тушинтир, насиҳатинг нимадан иборат? Эй яхшилолчи хоҳловчи йигит, мени сўзларимни яхшилаб тинглаб ол! — деди қария. Агар дунёвий юмуш билан диний иш бир вақтга тўғри келиб қолса, сен ҳеч ўйламасдан аввал диний ишни бажаргин, сўнгра дунёвий ишга қўл урсанг маъқул бўлур! Масыуд бу гавҳарфишон насиҳатни қулогига қуйиб, сўнг отаси хузурига бориб, дурру жавоҳирларга бой насиҳат ҳуққачасини очиб, бир-бир баён қилди. Отаси билдикли у насиҳатларни сотган Хизрду. Шу боис дарҳол ўғлига деди, эй озода фарзанд, коинот бозоридан уч насиҳат олибсан, улари жонингга тумор қилиб тақиб олғайсан. Эътиқод билан ўзингга ёр айлағайсан.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган
(Давоми бор)



Ёш каратэчилар.

Сўранг, жавоб берамиз

Мен қўшма корхонага ишга кирган эдим. Меҳнат шартномаси бир йилга тузилган эди. Лекин корхона раҳбари мени айти ойдан сўнг бўшатиб юборди. Корхона раҳбарининг шу қилган иши тўғрими?

М. Зиёлов

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан меҳнат шартномаси иш беватчининг ташаббуси билан бекор қилинмоқчи бўлса, бу тўғрида ходимни олдиндан огоҳлантириши зарур эди. Ушбу вазиятда корхона раҳбарининг хатти-ҳаракатлари тўғри бўлмаган.

Мен турмушимдан мажбуран ажралиб кетдим. Эрим ноқонуний ҳолда бошқа аёл билан яшаб юрибди. Иккита фарзандим бор. Яшаётган уйимизни асосан мен ишхонамдан олганман. Лекин судда шулар ҳисобга олинмай, эрим уйнинг тенг ярмига эса бўлди. Мен кимга мурожаат қилишим керак?

М. Исломова

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 28-моддасига кўра, суд воёга етмаган болалар манфаатларидан ва эр-хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан агар эр ёки хотин урсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидан улушлари тенглигидан чекиншига ҳақлидир. Сиз суд чиқарган қарордан норози бўлсангиз, белгиланган тартибда юқори суд органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нихоҳ шартномаси қандай тузилади? Шу ҳақда маълумот беринг.

С. Ирисова

Нихоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг нихоҳда бўлган даврда ва эр ва хотин нихоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини белгилловчи келишув нихоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Нихоҳ шартномаси нихоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек нихоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Нихоҳ давлат рўйхатига олинганга қадар тузилган нихоҳ шартномаси нихоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб қучга қиради. Нихоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 29-30-моддалар).

Онам 1941 йили туғилганлар. Уруш тўғрисида туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмаганлар. Уларнинг ягона ҳужжатлари тошқин вақтида йўқолибди. Бошқа ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ. Онам паспортларини қандай олишлари мумкин?

М. Фозилова

Бундай ҳолатдан чиқиннинг ягона йўли — онангиз судга мурожаат қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 283-моддасига асосан, суд фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини тасдиқлаш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид фактларни аниқлайди. Суд шунингдек, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган далилларни ҳам аниқлайди.

Оддийроқ қилиб айтганда, суд мазкур ҳужжатларнинг ҳақиқатдан ҳам йўқолишини тасдиқлаб, онангизга тузилган йиллини, исми, отасининг исми ва фамилиясини тиклаб беради.

Жавоблар Юнусовд тўман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу жиб дунё

1990 йилда Хиндистоннинг Миднапор туманида яшовчи бир гуруҳ кишилар чакалакзорда хайвонсифат одам боласини учратишган ва унинг қаерда яшашини кузатиб билишгач, ўша жойни ўраб олишади. Бир пайт бўри инидан она бўри ва унинг болалари билан бирга икки ёввойи қизалоқ ҳам чиқиб келади ва одамларни кўриб, яна бўри болалари билан бирга инга кириб кетади. Одамлар унинг инини қазий бошлаганда она бўри уларни ҳимоя этиб, одамларга ташланади, уни отиб ўлдиришади.

Инда бўри болалари билан бирга икки қизалоқ ҳам бир-бирини қучоқлаб ўтиришарди. Қизларнинг бири тахминан икки ёшда, иккинчиси эса 8 ёшларда эди, иккови ҳам тўрт «оёқ»лаб юрар, умуман гапиролмасди. Бир йилдан сўнг кичиги ўлиб қолди, каттаси одамлар орасида 9 йил яшади, холос. Шу давр мобайнида икки оёқлаб туришни, атиги бир неча сўз айтишни зўрга ўрганган.

ХИНДИСТОННИНГ Ассам штатида овчилар ургочи қоплонни отиб ўлдиришади. Ўшанда унинг инидан нафақат қоплонлар, беш ёшли бола ҳам ушланган. Яқин қилшқода эса унинг ота-онаси ҳам топилган. Отасининг айтишича, уч йил муқаддам, 2 ёшли ўғлини ўзи билан бирга далага олиб чиқадган. Ўғли ухлаб қолган, ўтлар устига ётқизиб қўяди-да, ишини давом эттириверади. Бир пайт орқасига қараса ухлаётган ўғлини қоплон тишида кўтариб, ўрмон ичида кўздан гойиб бўлади. Шундан сўнг ота ўз ўғлини тирик кўрмаслигига ишонган эди. Бироқ воқеа бутунлай бошқача кечди: қоплон уни ўзига «ўғил» қилиб олган эди. Бу бола ҳам тўрт «оёқ»лаб юрарди, жом гўшт ерди. Қоплон сингари ириллар ва ёнига борган кишини қоплончасига тишлар эди. Фақат уч йилдан сўнггина икки оёқлаб туришни ва идишда овқат ейишни сал-пал ўрганган.

ТУРК оиласида туғилган бир киз эса айиқлар билан роппароса 8 йил яшаган. Овчи тоғда айиқни отиб ўлдиради. Ўшанда овчининг устига айиқдай ўкириб, ёввойилашган киз ташланади. Хайриятки, киз кичкина эди, овчи уни тириклаини ушлаб олди. Қизни руҳий касал-хонага ётқизишиб, даволашди. Ва фақат бир неча йилдан сўнггина у пиширилган овқат ейишга ўрганади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

● Муҳаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
● Дунёда қуёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра, ўткирроқ оташ йўқ.
● Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.
● Севги ажиб бир гул, аммо тупсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узоқ учун жасорат керак.
● Севги ўлим даҳшатидан кўчирроқ.
● Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўла қонли оҳанг беролмайди.
● Бир кун улфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас экан, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан», деб қолди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!», деб жавоб беришибди.

Байт:
**Дилраболар ошиқ ахлин ўлдирур тош дил билан,
Лек қайта киргизур хушхулку, ширин тил билан!
Сен газаб бирла бирор фомли энголмассан бирок,
Бўлса юмшоқлик уни ром айлигунг бир қил билан!**
● Кўнгил — сирнинг зиндонидир. Сирингни фош қилдингми, энди у сира ҳам кўнгил зиндонига қирмайди, уни зўрлаб зиндонга киргиза олмайсан.
● Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.
● Баъзан тилак ва максаднинг ҳосил бўлиши, унинг ҳосил бўлмай қолишдан кўра оғирроқ бўлади.
● Хар бир эшитганига ишонувчан, хар бир билганини ўйла-масдан сўзловчи киши комил инсон эмасдир.
● Фойдала асарларни йиғишдан мақсад, улардан керагича фойдалана олишдир.
● Бир донишманд айтди:

— Мактабни аъло баҳолар билан битирдим. Илмни янада оширишга орзу ва рағбатим комил эди. Шу ният билан шаҳарга кетмоқчи бўлдим. Онам бу фикримни маъқуллади. Шаҳарга кетишим олдиан у мен билан жайрлашиб шундай насиҳат қилди.
— Кўзимнинг нури, азиз ўғлим, чақалоқлик вақтингда отанг вафот қилди. Хар қанча оғир, машаққатли қунлар кечирсам ҳам, сени яхши тарбиялаб ўстиришга ҳаракат қилдим. Харакатим бе-кор кетмади. Ахлоқли, тарбияли йигит бўлдинг. Халққа манфаат етказиш мурод-мақсадинг бўлсин.

Чин инсон бўлиш учун илм ва яхши хулқ-атвор керакдир. Хар бир ишда шафқатли ва марҳаматли бўлиш вазифангдир. Халққа хизмат қилишни ўзига мақсад қилиб олган киши энг аввал ҳам-манинг муҳаббатини жалб қилсин. Адаб, ифбат, сабр ва матонат энг гўзал хулқлардан саналади. Адабли, тарбияли, ифбатли бўлсанг халқ севади. Сабрли бўлсанг, пушаймон бўлмайсан. Файратли, матонатли бўлсанг, ишингда муваффақият қозонасан. Доимо очиқ юзли, ширин ва мулоим сўзли бўл. Яхшилар суҳбатини топ.

Онамнинг бу муборак сўзларини ёдга олиб тингладим. Унга амал қилиб обрў-эътибор топдим.

Байт:
**Адаб бозорига кирсанг, баякбор,
Ки сен одоб сари бўлгул харидор.
Адаб бўлса сенинг аввал сўрагинг,
Тамомий илм ила тўлгул қулогинг.**

● Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин. Токи уни изловчилар орзу гавоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча, эътибор тамга-сини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегиримондек саргардон айланиб, корин тўдириш пайида бўлса, яхшиси, обрў тилашини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчилик қилгани маъқул.

● Улуғлиқнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.
● Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
● Умр оқар дарё, ёшлик билан қарилик ораси ўта қисқа.
● Қариганингда ёшликдаги бутун куч-қувват безавол ишга сарф бўлганини хис этишдан ортқ бахт йўқ.
● Ёшликда нима эксанг, қариганингда шуни ўрасан.
● Кексаларни ҳурмат қил, устидан қулма, вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.
● Азизим, хар қандай севимдан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва хар қандай зўр овозли ва йўгон жуссаликдан қувват таъма қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчалик йўгон бўлмасин, барибир ингичка чўлдек синади, лайлакнинг қадди қанча катта ва банд бўлмасин, бургут қўлида ожиз бўлиб қолади.

Байт:
**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, қаридан ўйла!
Кексага кўмак бер — суянган тогинг,
Бунни тушунарсан қариган чоғинг!**

КУЛГИ БЕКАТИ

Иккита гиёванд уйда суҳбатлашиб ўтирганда, эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Уй эгаси деди:
— Ким?
— Очинг, биз милициямиз.
— Нега келдингиз?
— Сизлар билан гаплашмоқ-чимиз.
— Неча кишисизлар?
— Икки кишимиз, очинглар!
— Икки киши бўлсаларинг ўзаро гаплашавинглар, очмай-миз, — деди уй эгаси.



ёзилмаган бўлса, шу шишадаги суюқликдан фойдаланамиз, уқдингми?
Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Дорихонада доришунос талабани қақириб тушунтирди:
— Бу шишадаги доридан қандай дори тайёрлашни биласанми?
— Йўқ, устоз!
— Билиб қўй, рецет аниқ

РАССОМ ХАНДАСИ



— Бизнинг хўжайин каратэчи, ўтинларни болтасиз ҳам ёриб ташлайверадилар.



Суратқаш муҳбир:
— Сал жилмайиб юборинг, ака.
Абдурашул Ҳақимов чизган расмлар.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

БОШҚОТИРМА


Ёйлар бўйича ўннга: 1. Металлдан ясалган махсус бош кийим. 3. Авлоддан авлодга ўтиб келган урф-одатлар мажмуи. 4. Ёр билан учрашув. 6. Илм соҳиб. 7. Физик зарра. 9. Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 10. Спортча сузиш тури. 12. «Узун» йил. 13. Фарзанд дунёга келганда ўтказиладиган маросим. 15. Ибрат. 16. Эркин Воҳидов қасидаси. 18. Тожикистондаги шаҳар.

Ёйлар бўйича чалга: 1. Ўзбекистон жанубидаги туман. 2. Тигил дурдгорлик асбоби. 4. Булғориялик таниқли башоратчи. 5. Сартарошлик асбоби. 7. Сопол буюм-лари хунарманди. 8. Куй, оҳанг. 10. Оила ҳўжалигига ман-

суб мол-дунё. 11. Рабиндранат Тагорнинг «Халокат» романи қаҳрамони. 13. Бирор вазифани бажариш учун аввалдан берилган маблағ. 14. Шьерият соҳаси. 16. Маълум бир нарсадан ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш. 17. Корхона учун зарур қўхозлар мажмуи.

Ёйлар бўйича: 19-20. Маълум масофадаги нарсани топиш, хабар беришда ишлатиладиган қурилма. 20-21. Янги униб чиққан кўчатни сийрақлаштириб қайта экиш. 21-22. Автомобилимиз русуми. 22-23. Рангбаранг товланувчи модда, ашё. 23-24. Бирор нарса ҳақида аввалдан айтилган фикр, тахмин. 24-19. Муваффақият, галаба.

**Тузувчи
Фозилжон
ОРИПОВ**



Газетанинг шу йил 16 ноябрь сонидан берилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Шош. 2. Шар. 3. Рур. 4. Ром. 5. Муз. 6. Зол. 7. Лом. 8. Мот. 9. Тут. 10. Тун. 11. Нон. 12. Най. 13. Йил. 14. Лок. 15. Куз. 16. Зоғ. 17. Фор. 18. Рам. 19. Май. 20. Йул. 21. Луб. 22. Бак. 23. Чўт. 24. Чўт. 25. Тир. 26. Рус. 27. Сут. 28. Ток. 29. Қуш. 30. Шоҳ. 31. Хат. 32. Тош.

Муаммонома
Очқич сўзлар: 1. Гулоб. 2. Эдисон. 3. Ҳаж. 4. Ўш.
Ҳикмат: Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● А. Икромов тумани ИИБ ходимлари томонидан, шу туманда яшовчи Э. Музаффарованинг хонадонидан уй эгасини қўқитиб «Чайка» русумли телевизорини тортиб олиб қочиб кетган, аввал ҳам судланиб, кўзи очилмаган, Х.Е. билан ҳеч қаерда ишламайдиган шериги С.К.лар далилий ашё билан ушландилар. Бу икки ўрток босган қадамларининг охири-оқибати нима билан туғашини ҳеч ўйламаган кўринади.

● М. Улуғбек тумани ИИБ га эса «Супра» русумли телевизор номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани тўғрисида хабар келди. Воқеа жойига тезда етиб келган тезкор гуруҳ аъзоларининг кўрган чора-тадбирларидан сўнг, фуқаро Л.Ф. хонадонининг деразасидан ошиб тушиб, ундирган «ўлжасини» кўтарганича гойиб бўлган «ўригига» бола, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган А.И. қўлга олинди. Телевизорку ўз эгасига албатта қайтарилар, аммо бу йигитчанинг энг гуллаган навқиронлик, ёшлик даври асло қайтиб келмайдик!

● Ҳеч қаерда ҳалол меҳнат қилиб, эл қаторида тинчгина яшашни хоҳламайдиган С.К. ва А.Р. лар эса М. Улуғбек тумани Гулруй кўчасида қаровисиз қолдирилган «Мерседес» русумли автоуловидан «Сони» автомагнитоласи ва «Пионер» русумидаги колонкаларини ўғирлаб кетишган. Туман милицияси тезкор гуруҳи вакилларининг ҳаракатлари боис ушбу жиноят ҳам тезда очилди. Ўғрилар далилий ашёлар билан ИИБга келтирилди.

● Сирғали тумани ИИБ ходимлари бир ноқобил ўғилни далилий ашё билан қўлга олдилар. У арзимас бир матоҳни деб ўз она-изорини ҳақоратлаб, қўқитиб, но-мардларча, хатто куч ишлатиб, уйдан «Сони» русумли магнитофонини тортиб олиб, қочиб чиқиб кетган. В.Г. исмли бу шахсинг фойдаланиши, қолаверса, бир фарзанд сифатидаги ўз онасига нисбатан ўта шафқатсизлик ва ҳур-матсизлик қилганини қандай ба-холош ёки нима деб аташ мумкин? Бундай йомонсиз фарзанд ўз виждони ва адолатли қонунимиз олдида албатта жавоб беради.

● Ҳамза туманида яшовчи С. Пожарский кечқурун ўз уйда соат саккизлар атрафонида дам олиб ўтирган эди. Хонадонига тўсатдан бостириб кириб, куч ишлатиб, гилла ва бир дона эркаклар қосномини тортиб олиб чиқиб кетган икки босқинчиға ҳеч қаршилик кўрсата олмади. Воқеа сўнгида қорасиз қолган уй эгасининг милицияга сир қочишдан бўлақ ўзга иложи йўқ эди.

Туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатларидан сўнг, аввал ҳам судланиб, тавбасига таянмаган С.Г. ва С.К. исмли шахсларнинг ушбу жиноятни содир этган-лиги аниқланди.

● Юнусобод тумани ИИБ ходимлари томонидан шу туманда яшовчи пенсиясиз В. Архипованинг хонадонидан газ плитасини ўғирлаб кетган жиноятчи аниқланди. У аввал ҳам судланган бўлса-да, ҳалиям ўзига тегишли хулоса қилмаган, ҳамон бирон бир ишнинг қўлогидан тутмаган З.Е. деган шахс экан. Текин томоқ қасалига чалинган бу қимсаннинг ҳам энди тегишли жойда «даволаншига» тўғри келади.

● Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари ҳам фуқаро Д.Р. га тегишли хонадонга кириб ўғирлик қилган бир шахсни далилий ашё билан қўлга олишга эришдилар. Бу қимса ҳам биронинг хонадо-нига кириб, жами 111.500 сўмлик қийматдаги турли буюмларни халтасига солиб, жұфтакин рост-лабган экан. Р.Ф. исмли қимса ҳам энди ўз айбига лойиқ қонун олди-да жазо оладиган бўлди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот марказининг
жамоатчи муҳбири.**



**Бош муҳаррир
Акмак АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
электрон:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2668 нускада босилади. Қоғоз бирими А-3

**Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.